

## **Навбатдаги семинар-тренинг**

2021 йилнинг 10 апрель куни «Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» факультети «Иқтисодиёт» кафедраси ташаббуси билан талабаларнинг амалий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда битирувчи курс талабаларини мамлакатимиздаги мавжуд компаниялар амалиёти билан таништириш юзасидан семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар-тренинг «Суғурта фаолияти. Ўзбекистонда суғурта бозори» мавзусида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси депутати Тулабоев Аъзам ҳамда СТ МЧЖ Шахсий суғурталаш департаменти директори Рахмонов Ойбек иштирок этди.



Шунингдек, тадбирда Иқтисодиёт кафедраси мудири дотс. Б.Султанова, кафедра профессор-үқитувчиларидан проф. С.Умаров, като үқитувчи С.Ешматов, асс. Ж. Намозов, асс. А. Исмоилов, стажёр-үқитувчи К.Носуруллаев ҳамда талабалардан «Иқтисодиёт» йўналиши 401-гурух, «Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» йўналиши 301-302-гурух, «Екология ва атроф-муҳит муҳофазаси» йўналиши 306-гурух талабалари қатнашдилар. Тадбир давра суҳбати шаклида ташкил этилди ҳамда якунда талабаларни қизиктирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар берилди.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**